O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I
Boysun t., Hayot Abadiy ko‘chasi 1-uy. 190400, tel.: (+99876) 33-5-20-64, boysun_t@exat.uz, http://baysun.uz

2021 - yil 17 - iyul 74-8-110-Q/21 Boysun tuman hokimligi

Бойсун туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 3-бандида
2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Бойсун туман ҳокими томонидан қабул қилинган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Матбуот хизмати (Ю.Холиёров) мазкур қарорнинг расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга кириши белгилансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ҳоким ўринбосари Ш.Нормўминов зиммасига юклатилсин.

Ҳоким **JO‘RAYEV A. C.**

Бойсун туман ҳокимининг
2021 йил 17 июлдаги
74-8-110-Q/21-сон қарорига
1-илова

Бойсун туман ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Бойсун тумани ҳокимининг 2012 йил 13 августдаги 443-сон “Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори.

2. Бойсун туман ҳокимининг 2019 йил 19 мартдаги Қ-1112-сон “Бойсун туманидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори.

3. Бойсун туман ҳокимининг “Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини
2019 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 2019 йил
29 мартдаги Қ-1226-сон қарори.

4. Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 17 февралдаги Қ-114-сон “Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2020 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги қарори.